




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 2 май, чоршанба

№34 (11.319)

Эркин нархда сотилади



МАНГУ СЎНМАС МАШЪАЛА

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

Азиз ўғил-қизларим!
Авваламбор, барчангизни «Баркамол авлод» нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиш, унинг дастлабки қатнашчилари бўлиш бахтига мушарраф бўлиб турганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Бу мусобақалар юртимизда истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга ошираётган олижаноб ишларимизнинг яна бир ёрқин натижасидир.

Шунинг учун ҳам мустақиллик руҳида униб-ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ана шундай спорт анжуманида иштирок этиши, ўз кучи ва маҳоратини, олижаноб фазилатларини намойён этиши биз учун истиқлолимизнинг энг улуг ютуқларидан биридир, десак асло муболага бўлмайди. Бугунги воқеа ўсмирларимиз ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларига асос бўлаётгани, бу соҳада янги аъёнларни бошлаб бераётгани билан ҳам қадридир. У сизнинг нафақат жисмоний чинқишингизга, балки ҳалол беллашувлар иштиёқи, ғалабалар қувончи билан яшашингизга, халқимизга хос мардлик, тантилик ва бағрикенглик хислатларини кўрсатиб, маънавийнингизнинг юксалишига ҳам хизмат қилади. Шу маънода, халқимиз сизнинг сиймонгизда Ўзбекистон спортининг бўлажак юлдузларини, энг муҳими, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида яшайдиган, ўз Ватанининг азиз ва ардоқли фарзандлари бўлган навқирон ва баркамол авлодни кўради. Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимни бағримга босиб, айтмоқчиман: сиз – Алломиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодсиз, сиз – буюк юрт фарзандларисиз.

Азиз болаларим!
Ишонманки, сизлар бу ҳақиқатни нафақат спорт майдонларидаги ғалабаларингиз, балки ҳаётдаги эзгу интилишларингиз билан ҳам исбот этасиз.

Қалбингизни ғалаба иштиёқи ҳеч қачон тарк этмасин!

Барчангизга омад ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Жиззахда Ўзбекистон ўқувчи ёшларининг «Баркамол авлод» спорт мусобақалари қизгин давом этмоқда



Рашид ГАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Мамлакатимизда мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук ва баркамол қилиб тарбиялашга ҳар томонлама жиддий эътибор бериб келинмоқда. Буни кадрлар тайёрлаш бўйича махсус Миллий дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганидан ташқари болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг жаҳонда кенг оммалашган спорт турлари бўйича мусобақалари мунтазам ўтказиб борилаётганида ҳам аққол кўриш мумкин.

Бугунги кунга келиб республикада баркамол авлод тарбиясига йўналтирилган уч босқичли спорт мусобақаларининг бир-бирини узвий давом эттирувчи тизими яратилиб, изчил давом эттирилмоқда. Ушбу ўзига хос эстафетани умумтаълим мактабларининг ўқувчилари бошлаб беришади. «Умид» низоми остида ўтадиган бу оммавий мусобақаларда минглаб ўғил-қизлар қатнашиб, спорт оламининг ўзига хос сирасорлари билан илк бор танишади. Сўнгра улар мамлакатимиз лицей ва коллежаларига ўқишга жойлашиб, «Баркамол авлод» мусобақаларида иштирок этиб, ўз маҳоратларини янада оширадilar. Ушбу ўрта махсус таълим мактабларини битирган йигит-қизлар олий ўқув юр-

ларининг талабаларига айланишиб, энди университет ҳамда институтларнинг толиб ва толибаларининг «Универсиада» мусобақаларида янада чинқишади ва катта спорт сари дадил қадам ташлайдилар. Республикада қарор топган яхлит спорт мусобақалари тизимининг муҳим босқичи бўлган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг махсус-моҳияти ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этиш, ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни ватанпарвар, миллатпарвар қилиб тарбиялашдир. Шу боис республикада биринчи марта ўтказилаётган ушбу мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимини махсус сценарий асосида ташкил этиш, яъни жаҳон олимпиада уйин-

ларига яқинлаштиришга ҳарақат қилинди. Бунинг учун Паркент туманида жойлашган «Куёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш марказида табиий йўсинда аланга олдирилган махсус машъала Тошкент ва Сирдарё вилоятлари оша Жиззахга, спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросимига етказиб келинди. Таъкидлаш жоизки, тарихдан биринчи марта қуёш нуридан аланга олдирилган машъалани вилоятимиз худудидан қўлма-қўл қилиб олиб ўтиш мактаб ўқувчилари ва касб-хунар мактаблари талабалари ўртасида катта тантанасини олди. Паркентдаги 19-касб-хунар мактаби талабаси Бобомурод Солиев ўз тенкурчлари даврасида машъалани ҳайқирик ва олқишлар остида қабул қилиб олиб,

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 3-5 май кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ВИЛОЯТ ҳаёти

ЖАМҒАРМА СОВРИНИ УЧУН

Республикамизда баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган тadbирларнинг қўлами кенгайиб бормоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармаси соврини учун ўсмирлар ва қизлар ўртасида қуввиш бўйича ўтказилаётган республика турнири ҳам 2001 йилнинг ўзига хос мусобақаси бўлди.

Айни кунларда вилоятимизда унинг дастлабки босқичини ўтказишга тайёргарлик ишлари низоҳасига етди. Шу йилнинг 3-4 май кунлари Чирчиқ шаҳрида вилоят мусобақаларининг соврини соҳиблари маълум бўлади. Турнирнинг вилоят босқичини ташкилий жиҳатдан юқсак савидада ўтказиш юзасидан барча ишлар қилинди. Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, ёшлар ташкилоти, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда «Кураш» федерациясининг вилоят бўлими, шаҳар, туман ҳокимликлари унинг асосий ташкилотчилари бўлидлар.

Ўз мухбиримиз.

МАКТАБЛАРДА ДАВРА СУХБАТЛАРИ

Вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси республика «Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази» билан ҳамкорликда вилоятимиз мактабларида хуқуқий мавзуларда мунтазам давра суҳбатлари ўтказиб келимоқда.

Яқинда ана шундай давра суҳбатлари Чиноз туманидаги 27-ҳамда Янгийўл шаҳридаги 13-ўрта мактабларда ташкил этилди. «Демократик жамият ва миллий истиқлол гоёси» мавзусига бағишланган анжуманда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари иштирок этдилар. Давра суҳбатиде рес-

публика «Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази»нинг бўлим бошлиғи Мухаббат Бобонова, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Дилшод Тожибоев маърузалар билан чиқдилар. Шунингдек, ушбу мулоқотларда мактаб ўқувчилари ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб ҳам олишди.

Ўз мухбиримиз.

ТАШАББУС ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Вилоятимизда «Оналар ва болалар йили» муносабати билан белгиланган дастур асосида бир қатор ибратли тadbирлар амалга оширилмоқда.

Вилоят аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, туғиш ёшидаги аёллар, болалар, кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсади-

да ўтказилаётган «Соғлом она – соғлом бола» хайрия ойлғи ҳам ана шундай ташаббусларнинг биридир.

Ушбу ташаббусни вилоятимиздаги барча бўлим, бошқармалар, корхона ва ташкилотлар, ҳокимликлар қўллаб-қувватладилар. 2001 йилнинг 26 май кунини ўтказиладиган оммавий ҳашардан тушадиган маблағ ҳам вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳисобига ўтказилади.

Ўз мухбиримиз.

Вилоят ҳокимлигида

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, АМАЛИЙ РЕЖАЛАР

Шу йилнинг 28 апрель кунини вилоят ҳокимлигида вилоятда индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича мажмуа ташкилот ва корхоналари фаолиятининг 2001 йил биринчи чорағидеги яқунлари ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бориши ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланган йилғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, котибият ва гуруҳ раҳбарлари, бошқармаларнинг бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, шаҳар ва туман архитекторлари, қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг раҳбарлари қатнашдилар.

Йилғилишда вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

Маърузачи ва нотиклар белгиланган дастурларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, ўтган даврда муайян ишлар бажарилганини таъкидлашди. Йилғилиш қатнашчилари асосий эътиборни саноат ва қурилишда ислохотларнинг бориши, коммуникация, қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасидаги долзарб муаммолар ечимига қаратишди. Баъзи соҳалардаги қоллоқлик, тармок ва корхоналар раҳбарларининг маъсулиятсизлиги таъкид қилиниб, фойдаланилмаётган имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Йилғилиш муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Бу йилги мавсумда вилоят бўйича 930 тонна пилла етиштириш юзасидан хўжаликлар билан контрактация шартномалари тузилган. Бунинг учун мавсум алдидан жами 21 минг 456 қути қурт уруғи ачирилиб, 17 минг 119та хонадонга тарқатилди.

Белгиланган режани беҳаму-қўст бажаришнинг иккита энг муҳим шарти бор. Биринчиси, озука базасининг етарли бўлиши. Иккинчиси, қуртнинг яйратиби боқий учун хонадонларда зарур шароит яратиш.

Кейинги йилларда мамлакатда пиллачиликка эътибор бирмунча сусайиб, ушбу зарур саноат хомашёси камайиб бораётганини ҳисобга олиб, 2000 йилнинг март ойида республика Вазирлар Маҳкамаси тармокни ривожлантириш ва унинг озука базасини мустаҳкамлашга қаратилган махсус қарор қабул қилган эди. Вилоят ҳокимининг ушбу муҳим ҳужжат ижросига бағишланган қарориде эса барча хўжаликларда 400 минг туп туп қўчатлари экиш ва 66 гектар янги тўтзор барпо этиш белгилаб қўйилган.

Афсуски, бу муҳим топириқ фақат Бекобод туманидагина ортиғи билан бажарилди. Бўка туманида 7 фоиз, Бўстонлиқда 14,2, Ўртачирчиқда 16,5, Юқоричирчиқда 48,5 фоизда қўлиб кетди. Охангарон, Куйичирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон туманларида эса туп қўчатлари экиш ва янги тўтзорлар барпо этишга умуман эътибор берилмади.

Озука базасини мустаҳкамлаш масаласига бу йил ҳам жойларда жиддий эътибор қаратилмапти. Оқибатда вилоят бўйича туп қўчатлари экиш 31,9 фоиз, янги тўтзорлар барпо этиш эса 15,1 фоиз бажарилди, холос. Устига-устак деярли барча хўжаликларда яқка

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Ипак қуртини яйратиш ва тўйдириш боқий учун ҳамма зарур шарт-шароитлар яратилганми?

тут дарахтлари ҳамда мавжуд тўтзорларга ишлов бериш, парваришлаш, озиклантириш ва сугориш ишлари ҳам ўз холига ташлаб қўйилмоқда. Йўл қўйилган ушбу камчилик ва нуқсонларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида, шунингдек, хонадонларда боқилаётган ипак қуртлари эндигина бир ва тўрт ёшгача бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда баланд танали яқка тўт дарахтларининг ёшига қараб, ҳар тупига 300-500 грамм фосфор ва 100-150 грамм калий, тўтзорларнинг эса ҳар гектарыга соф ҳолда 180 килограмм азотли, 90 килограмм фосфорли ва 45 килограмм калийли ўғитлар бериб, сугориш зарур.

Туманлардаги пилла тайёрлов идоралари ипак қуртини агротехника талабларига амал қилган ҳолда парваришлашни таъминлаш мақсадида барча хўжаликларга керакли асбоб-ускуна ва бошқа зарур ашёларни вақтида етказиб берди. Хатто, қурт боқайтган оилаларга шартномага мувофиқ етиштириб берадиган пиллаларининг умумий қий-

Пилла-2001

9,5, Охангаронда 10, Куйичирчиқда 11,1, квадрат метр жой тайёрланган, холос. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, қатор туманларда қурт боқувчиларни рўйхатга олиш чоғида хонадонларнинг имкониятларига жиддий эътибор берилмапти. Шу боис ҳар бир боқувчиға Бўка туманида 1,38, Юқоричирчиқда 1,41, Оққўрғонда эса 1,48 қути қурт уруғи тўғри келди. Бу агротехника бўйича белгиланган маъёрдан анча кўпдир.

– Ҳали ҳам кеч эмас, – дейди вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси бош ҳисобитчи Абдуқодир Раҳмонқулов. – Олди хўжаликларда ипак қурти эндигина бешинчи ёшга ўтапти. Демак, имконият топиб, қуртхоналарни кенгайтириш, қўшимча хоналар ажратиш, қуртларни яйратиш учун вақт етарли.

Лекин бу хотиржам бўлинг дегани эмас, албатта. Ҳар бир ишнинг ўз вақтида бўлгани маъқул. Ҳозир эса бош ҳисобитнинг таклифини рўйбга чиқариш учун ҳар бир туман ва хўжаликда пиллачиликка бириктирилган мутахассислар хонадонларни мунтазам айланиб, қўшимча аҳолини ва боқий жараёнларини кузатишлари, камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатишлари зарур.

Пиллакорларнинг бугунги кундаги яна бир муҳим вазифалари қурт пилла ўрайдиган дасталарни тайёрлашга ҳозирданоқ киришишдир. Ҳар қути қурт ҳисобига 300-350тадан табиий сершоҳ ўтлардан даста тайёрлаб, уларни салқин жойда қуритиш лозим.

Абдусаммад Йўлдошев,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ВИЛОЯТ ҳаёти



МАНГУ СЎНМАС МАШЪАЛА

мол авлод» спорт мусобақалари машъаласини кўшни Сирдарё вилоятилик тенгдошларига узатди.

Шу ўринда «Баркамол авлод» мусобақалари машъаласини нима учун айнан «Кўш физикаси» илмий ишлаб чиқариш марказида аланга олдиришга қарор қилинди? деган савол туғилиши табиийдир. Маълумки, узок ўтмишда Грецияда асос солиниб, ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиб келинган олимпиадада ўйинлари машъаласи ҳам табиий йўсинда ёқилиб, қатор манзиллар оша ўйингоҳга келтирилган. Жиззахдаги спорт ўйинларининг машъаласини табиий ёқилишнинг ягона имконияти ва манбаи фақат Паркентдаги илмий марказдагина мавжуддир. Дарвоқе, жазон илм-фаннинг буюк ютуғи ҳисобланувчи бундай муъжиза объект Ер юзидда фақат иккита - бири Францияда, иккинчиси Ўзбекистонда. Муболагасиз таъкидлаш жоизки, биздаги ушбу марказнинг мураккаблиги ва мукамаллиги, аниқлиги ва қудратлилиги жиҳатидан дунёда тенги йўқдир. Бинобарин, машъаланинг айнан шу ерда ўт олиришдан кутилган яна бир мақсад Ўзбекистонда илм-фан тараққиётининг бугунги даражаси жазондаги етакчи давлатлардагидан қолишмаслиги, ҳатто, айрим жиҳатлар бўйича илгор ҳам эканлигини яна бир бор таъкидлашдир.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари машъаласи ва олов саклаш қурилмасини яшаш, уни «Кўш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш марказининг Жиззах шаҳрига етказиш Мудофаага кўмаклашувчи республика «Ватанпарвар» ташкилотига топширилган эди. Ўзгирот этиш керакки, ушбу ташкилот зиммасидаги масъулияти, шу билан бирга шарафли вазифани муваффақиятли адо этди. Машъала ҳам, олов саклаш қурилмаси ҳам бир

қатор рамзий маъноларни ўзида мужассамлаштирган. Чунотчи, машъаланинг дастаги чинор дарахтидан ясалган бўлиб, бу теран ва бой тарихимизга, халқимизнинг мустақам имон-этикодидаги ишора ҳамда боқий ва соғлом турмуш тарзи белгисидир. Дастанинг юқори қисми ола



шаклида ишланган. Бу эса ёшлик, баҳор яъни янгилик, яшариш рамзидир. Машъала алангасининг ўзи эса Президентимизнинг «Шу азиз Ватан учун ёниб яшайлик!» деган давъатига «Лаббай» деб жавоб берган баркамол авлод оловли қалбининг алангаси ифодасидир.

Олов саклаш қурилмаси миллий минора - маёқ шаклида ишланган. Пастки ярами Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи рамзи билан

безатилган. Юқори ярами оловдон ва давлат рамзи туширилган айланма чамбардан иборат. Қурилманинг усти нил гўмбаз билан бекитилган. Уни «Ватанпарвар» ташкилотининг икки кишидан иборат фахрий қоровули Жиззах шаҳрига қўриқлаб борди.

Одатда, жазон олимпиада

роитлар яратилади. Вилоят марказидан ташқари Зомин ва Арнасай туманларида барпо этилган ўйингоҳларда спортнинг волейбол, баскетбол, енгил атлетика, теннис, сузиш ва ўзбек кураши турлари бўйича узаро беллашувлар қизгин давом этмоқда.

Мана, уч кундирки, Жиззахдаги бош ўйингоҳда «Баркамол авлод» спорт мусобақалари машъаласи порлаб турибди. Қайта-қайта таъкидлаганимиздек, у кўш нуридан табиий йўсинда аланга олдирилган. Ҳар қандай табиий нарса эса мустақам, умрбоқий бўлади. Бинобарин, ўқувчи ёшларнинг ушбу спорт мусобақалари машъаласи ҳам абадий сўнамсидир. Қолаверса, «Баркамол авлод» мусобақаларини ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган қатъий аънамага айлантириш режалаштирилган. Ҳозирнинг ўзидаёқ унинг интернет алоқа тизими орқали бутун дунёга тарқалиши шубҳасиздир. Кейинчалик эса, ушбу мусобақаларга чет эллик мутахассисларни тақдир этиш мўлжалланмоқда.

Хуллас, «Баркамол авлод» мусобақалари давом этаверади. Ёшларимиз ўртасида спортнинг жазонда кенг ривожланган ва олимпиада ўйинларидан абадий ўрин олган турлари кенг оммалашиб бораверади. Ва шу ёшлар орасидан бўлажақ олимпиада чемпионолари етишиб чиқаверади. Улар келажда жазон спорт майдонларида мустақил Ўзбекистоннинг давлат байроғи мунтазам баланд кўтарилишини, миллий мадҳиямизнинг баралла янграйверишини таъминлайдилар.

**Абдусамид
ИЙДОШЕВ,
«Тошкент
ҳақиқати»нинг махсус
мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ (ЎЗА)
олган сурат.**

ЖИЗЗАХ. (Мухбири-ми телефон орқали хабар қилди).

Вилоят ўрта махсус касб-хунар бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев бошлиқ 140 нафарга яқин вакилларимиз «Баркамол авлод» мусобақаларига ташриф буюришган. 11 нафар мухассисимиз дастурга киритилган 7 спорт тури бўйича мусобақаларда

(Давоми.
Боши 1-бетда).

ҳакамлик қилмоқда. 112 нафар вакилимиз эса бевосита спорт майдонларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Айтиш жоизки, спортчиларимиз мусобақаларни муваффақиятли бошлашди. Биринчи бўлиб енгил атлетикачиларимиз, аниқроғи ядро улоқтирувчиларимиз зафар кўчдилар. Вилоят педагогика билим юрти талабаси Дмитрий Шуман ва Ангрен тиббиёт билим юрти талабаси Елена Смо-

лянова ядро улоқтиришда барча рақибларини ортада қолдириб, «Баркамол авлод» мусобақалари ғолиби бўлишди. Ангрен педагогика билим юртида тахсил олаётган Никита Терехов эса фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Сузиш мусобақаларида ҳам вакилларимиз дуруст қатнашди. Масалан, Чирчиқдаги 1-касб-хунар мактабидан Ирина Хажнак ва саноат касб-хунар коллежидан Ольга Блашенко

ҳамда Олмаликдаги 10-касб-хунар мактабидан Евгений Романов шўхрат шоҳусининг учинчи ўринини эгаллади. Вилоятимиз умумжамоа ҳисобига қимматли очколар келтирдилар.

Хуллас, мусобақалар қизгин паллага кирди. Шубҳа йўқки, вакилларимиз бошқа спорт турлари бўйича ҳам юқори ўринларни эгаллаб, вилоятимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Иқтисодий ислохотлар турли мулкчилик шакллари асосланган, кўп укладли, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш имкониятини яратмоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусийлаштириш оқибатида мамлакат корхоналарининг 90 фоизга яқини иқтисодиётнинг нодавлат секторига қарашли бўлиб қолди. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1990 йилдаги 38,1 фоиздан 2001 йил бошида 66 фоизга ўсди. Эндиликда саноат маҳсулотларининг 62 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98,8 фоизи нодавлат секторда ишлаб чиқарилмоқда.

Давлат мулкни унинг тасарруфидан чиқариш оқибатида акциядорлик жамиятлари ҳам ривожланиб бормоқда. Акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлар барча корхоналарнинг умумий сонидан 12 фоизни ташкил этади.

Акциядорлик жамиятларининг кўпайиши ва ривожланиши муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Унинг оқибатида хусусий мулк шакли ва қимматбаҳо қоғозлар бозори вужудга келади, бевосита бизнес ва тadbirkorлик билан шугулланмайдиган кишилар ҳам мулкдорларга айланадилар.

Хусусан 2001 йилнинг 1 январига келиб мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг умумий сони 4500тага етди. Фуқаролардан 1,2 миллионга яқин киши акцияларга ва хусусийлаштирилган корхоналар устав фондида ўз улушларига эга бўлидилар. Маз-

кур жамиятлар моддий ишлаб чиқаришнинг деярли барча тармоқларида фаолият кўрсатаётirlар.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичларида тузилган акциядорлик жамиятлари 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик жамиятлари ва ўртокликлари тўғрисида»ги Қонуни асосида шаклланган эди. Улар фаолиятида вужудга келган муаммолар ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қилинган тақдирлар асосида бу Қонунга икки марта — 1994 йил 23 мартда ва 1995 йил 31 августда тегишли ўзгарттиришлар киритилган.

Шуларга қарамадан аввал корхоналарни яққа ҳокимлик билан бошқарилган раҳбарлар, уларнинг фаолиятини назорат қилувчи кузатув кенгашлари ва акциядорлар ўртасида айрим муаммолар

вужудга келди. Акциядорларнинг ҳуқуқларини бузиш, менсимаслик ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юз берди. Шунинг учун 1996 йилнинг 26 апрелида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Акциядорлик жамиятларини тузиш, уларнинг фаолиятини ташкил қилиш, уларни тугатиш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар шу Қонун асосида тартибга солина бошланди.

Акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Уларнинг бошқаришнинг демократлаштириш ва бошқаришда акциядорларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида жамиятнинг бошқаришда акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенга-

шининг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу қушларда қўллаб жамиятларда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишлари ўтказилмоқда ёки унга тайёргарлик қўриломоқда.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари кўп қиррали. Бу йиғилишнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу қушларда қўллаб жамиятларда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишлари ўтказилмоқда ёки унга тайёргарлик қўриломоқда.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари кўп қиррали. Бу йиғилишнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу қушларда қўллаб жамиятларда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишлари ўтказилмоқда ёки унга тайёргарлик қўриломоқда.

Акцияларни эмиссия қилиш, уларни сотиш, қайтариб сотиб олиш, майдалаш ва йириклаштириш, жамият-

нинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисоб ва ярагини тасдиқлаш, дивидендлар тўлаш сиёсатини белгилаш масалалари қўриб чиқилади. Шулар қаторида тузилишдан манфаатдор бўлган битимларни, қиймати битим тузилаётган жамият активла-

ми ўз акциялари ҳисобидан дивиденд олишдир. Бунинг учун жамиятнинг хўжалик-молиявий фаолият натижалари ижобий бўлиши, йил фойда билан яқунланиши зарур. Бу эса жамиятнинг иқтисодий стратегияси ва режалари бозор конъюнктурасига мос келишини, корхона техник жиҳатдан яхши жиҳозланишини, самарали фаолият юргизишини тақозо этади.

Акциядор хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни изчил ўрганиб, таҳлил қилиш кўнжикларига эга бўлиши лозим.

Акциядорлар ва уларнинг айрим гуруҳларининг манфаатлари ҳар доим ҳам уйғун келавермайди. Масалан, кичик акция пакетига эга бўлган меҳнат жамоаси аъзолари иш ҳақи шаклидаги даромадларининг ўсиб боришидан кўпроқ манфаатдорлар. Бунинг оқибатида корхона фойдаси ва кейинчалик акциялар учун тўланадиган дивидендлар камайиб кетиши мумкин. Ташқи инвесторлар эса узоқ давр мобайнида фойданинг ва дивидендларнинг барқарор ўсиб боришидан кўпроқ даромад кўрадилар. Шунинг учун ҳам акциядорларнинг турли гуруҳлари ҳатти-ҳаракатларини, манфаатларини мувофиқлаштириш усуллари ва тизими хўжалик жамиятининг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклини бошқаришнинг мазмунини ташкил қилади. Бу корпоратив бошқаришдир.

Акциядор учун энг муҳи-

Ислохот чорраҳаларида

ми ўз акциялари ҳисобидан дивиденд олишдир. Бунинг учун жамиятнинг хўжалик-молиявий фаолият натижалари ижобий бўлиши, йил фойда билан яқунланиши зарур. Бу эса жамиятнинг иқтисодий стратегияси ва режалари бозор конъюнктурасига мос келишини, корхона техник жиҳатдан яхши жиҳозланишини, самарали фаолият юргизишини тақозо этади. Акциядор хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни изчил ўрганиб, таҳлил қилиш кўнжикларига эга бўлиши лозим.

Акциядорлар ва уларнинг айрим гуруҳларининг манфаатлари ҳар доим ҳам уйғун келавермайди. Масалан, кичик акция пакетига эга бўлган меҳнат жамоаси аъзолари иш ҳақи шаклидаги даромадларининг ўсиб боришидан кўпроқ манфаатдорлар. Бунинг оқибатида корхона фойдаси ва кейинчалик акциялар учун тўланадиган дивидендлар камайиб кетиши мумкин. Ташқи инвесторлар эса узоқ давр мобайнида фойданинг ва дивидендларнинг барқарор ўсиб боришидан кўпроқ даромад кўрадилар. Шунинг учун ҳам акциядорларнинг турли гуруҳлари ҳатти-ҳаракатларини, манфаатларини мувофиқлаштириш усуллари ва тизими хўжалик жамиятининг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклини бошқаришнинг мазмунини ташкил қилади. Бу корпоратив бошқаришдир.

Эндиликда акциядорлик жамиятларини турли акциядорлар гуруҳлари манфаатларини уйғунлаштиришга, мувофиқлаштиришга қаратилган илгор усул ва услублар асосида бошқариш лозим бўлади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг жойлардаги бошқармалари акциядорлик жамиятларининг ижроия раҳбар кадрлари корпоратив бошқариш курсларида ўз маҳорат ва малакаларини оширишларини таъминлашлари лозим.

Шуни унутмаслик керакки, корпоратив бошқаришнинг акциядорлар манфаатларини мувофиқлаштириш, менежер ва раҳбарлар фаолиятини акциядорлар томонидан назорат қилиши каби таъминчиларига оғишмай рияз этилиши акциядорлик жамияти барқарор ривожланиб боришининг асосидир. Фақат шундагина мулкчиликнинг бу тури рағнақ топа боради, мамлакат иқтисодиётида унинг салмоғи ортиб, акциядорларнинг манфаатлари ишончли қафолатланади.

**Дилшод ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
хузуридаги Давлат ва
жамият қурилиш
академиясининг
тингловчиси.**

Фармон ва ижро

чи 14та кўп қаватли уйлари ўзида бирлаштирди. Бундан ташқари, коммунал хизмат кўрсатишни яхшилашга ёрдам беришни зиммасига олган ва ўз аъзолари тўлайдиган бадал ҳисоби асосида ишлайдиган қатор нодавлат ташкилотлари ҳам тузилди.

Бу ташкилот ва уюшмалар фуқаролар манфаатини мустақам туриб ҳимоя қилишяпти. Коммунал хизмат учун тўловлар тўри бўлиши, фуқаро ҳақиға хийнат қилмаслиги устидан доимий назорат ўрнатилган. Натижада мижозлардан ортиқча олинган хизмат ҳақлари аниқланиб, фуқароларга қайтариб бериляпти. Шу йўл билан «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси амалда қўрсатган хизматига нисбатан 1743,8 минг сўм ортиқча ҳақ олгани аниқланди ва ундириб олинди. «Исқиклиқманба» корхонасидан эса шу тариқа қайтариб олинган маблағ ҳажми 3 миллион 704 минг сўмни ташкил этди. «Олмаликташ» идораси эса ортиқча олган 197 минг сўм маблағни қайтариб беришга мажбур бўлди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ҳамда тобора чуқурлашиб ва такомиллашиб бораётган ислохотлар аввало аҳоли, шунингдек, давлат манфаатларига хизмат қилмоқда. Айниқса, меҳнатқашлар оммасини ижтимоий муҳофаза қилиш алоҳида эътиборга олинган. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш ва такомиллаштириш давр талаби - долзарб масала бўлиб қолди. Лекин шунга қарамай вилоятимизнинг айрим шаҳар ва ту-

манларида коммунал хизматни ислох қилиш юзасидан ишлар жуда суст олиб борилоқда, белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда изчиллик сезилмаяпти. Бунинг натижасида фуқаролар кўпгина сарсон-сарғардон бўлмоқдалар. Уларнинг шикоятларига ҳамма жойда ҳам эътибор билан муносабатда бўлинмаяпти. Бундай аҳвол, айниқса, вилоятимизнинг Ўртачирчиқ, Янгийўл туманларида кўзга ташланаяпти. Бу туманларда соҳани ислох қилишга қаратилган ишлар ниҳоятда қониксариз ташкил этилган. Туманлар ҳокимликлари бу соҳадаги ўзибўларчилик қайфиятига зудлик билан барҳам беришлари лозим.

Президентимизнинг юқоридagi фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарориди аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни янада чуқурлаштириш, унинг сифатини ошириш, уй-жой мулкдорлари ширкатларини тузиш ва уларни самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолига қўрсатилаётган коммунал хизматлар ҳақининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан жамоа масъулиятини қўйиштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг тўла амалга оширилиши учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш шаҳар ва туман ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг диққат марказида бўлиши лозим.

**Мирсобиёр МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
шарҳловчиси.**

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Бекобод шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда «Оғоликка қарши кураш — долзарб масала» мавзусида К.Турдиев ва Физкультурачилар маҳалласида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда салбий таъсир ва ноқулай ҳаракатларга берилмаслик учун аввало ёшларга ота-она, маҳалла ёки улар ишлаётган жамоа томонидан яхши тарбия зарур эканлиги, ишсиз ёшларни эса ишга жойлаштириш ҳамда янги касбга йўналтириш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Ўз мухбириимиз.

МАҲАЛЛА МУЗЕЙИ

Ҳозирги дорилмомон кўнрақимизнинг қадрига етиш учун ҳар биримиз жуда бўлмаганда ўзимизга тегишли ҳудуд, қишлоқлар, хўжаликларнинг тарихини яхши билишимиз шарт. Шу жиҳатдан олганда Қўбрак туманидаги Ўнқургон қишлоқ фуқаролари йиғини фаоллари олиб бораётган ишлар ибратлидир.

Уларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан «Янгийўл» маҳалласида музей ташкил этилди. Музейга ўтган асрдаги кийим-кечаклар, қадимий осори-атикалар, тангалар, деҳқончиликка оид асбоб-анжомлар қўйилди. Айниқса, 1865 йилдан то 2000 йилгача яшаб ўтган авлодларнинг шажараси қўйилди. Катта қизиқчи ўғитмоқда. Шунингдек, музейдан урушда шахид кетганларнинг рўйхатлари ҳам ўрин олган.

Носир ИСАЕВ.

КОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзиси тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.



Конституция ва қонунларнинг устуңлиги таъминланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у Ўзбекистонда давлат-ҳуқуқий қурилишининг энг асосий принциплари ҳамдир. «Конституция ва қонунларнинг устуңлиги принциплари шуни аниқладики, — дейди Президентнинг Исроҳ Каримов, — бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ бўлиши талаб этилади». Улуг бобокалонимиз Амир Темур айтганларидек: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Конституция ва қонунлар тўғрисида сўз кетар экан, аввало уларнинг бир-биридан фарқини ажратиш олиш керак. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, у бошқа жорий қонунлардан шу билан фарқ қиладики, унда энг асосий, энг барқарор ижтимоий муносабатлар, узоқ даврга мўлжалланган бош принципал қоидалар мустаҳкамланган ва бу қоидаларни бевоқиф қилиб, бошқа қонун чиқариш ҳужжатларида очиб берилди ва конкретлаштирилди. Шу сабабли Конституция гарчи муҳим бўлсада, лекин Асосий Қонун доирасига сикмайдиган бир қанча қоидаларни ўз ичига олмайди. Конституцияда мавжуд бўлган қоидалар негизда ва уларни ривожлантира бориб, заруриятга қараб, бошқа қонунлар ва ўзгача меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинади. Бунда барча жорий қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи Конституция бўлиб қолади. Конституция эса олий юридик қучга эга бўлиб, бошқа барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқ келиши лозим. Конституциянинг Асосий Қонун сифатидида аҳамияти, обрў-этибори, барқарорлиги, унинг оддий қонунлардан фарқи шу билан белгиланади. Бир сўз билан айтганда Конституцияни қонунлар қонуни дейиш ҳам мумкин.

Юқоридаги принцип жамятиямизда қонунчилик ва ҳуқуқий-тартибот тантанасини аниқлатади. Қонунчилик — бу қонунларнинг реаллигидан, жамятида чинакам демократик муҳит ўрнатилганидан далолат беради. Қонунчилик бу давлат томонидан қонунлар тизимини жамят тараққиёти талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш ва давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқа-

ролар томонидан қонунларга қатъий риоя этиш ва уларни оғишмай амалга оширишда намоён бўладиган давлат ва жамят ҳаётининг принциплари. Қонунчилик принциплари қонунларнинг ҳамма учун истисносиз мажбурийлигини, ҳаммининг қонун олдидан тенглигини, қонунларнинг ҳамма ерда бир ҳилда жорий қилинишини ҳам аниқлатади.

Қонунчилик билан ҳуқуқ-тартибот бир-биридан фарқ қилади. Қонунчиликнинг мазмуни ҳуқуқий меъёрларга қатъий ва оғишмай риоя этишларда ифодаланса, ҳуқуқий-тартибот эса жамят аъзоларининг юриш-туришлари уларнинг субъектив ҳуқуқ ва бурчларига мувофиқ келишида ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий-тартибот ҳуқуқий муносабатлар доирасида шу муносабатларнинг ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишлари ва ҳуқуқий бурчларини бажаришлари натижасида вужудга келади. Демак, қонунчиликни амалга ошириш ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш воситаларидан бири бўлса, ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш эса, ўз навбатида қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу боис улар бир-биридан ажралмас бўлиши лозим.

Конституциянинг 15-моддаси иккинчи қисмида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, деб кўрсатилган. Давлат, унинг органлари, жамоат бирлашмалари Конституция ва тегишли махсус қонунлар асосида ташкил қилинади ва фаолият юритади. Улар Конституция ва махсус қонунларда белгиланган ваколатларини амалга оширадилар. Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Юқоридагиларнинг биронтаси ҳам Конституция ва қонунлардан ташқари иш кўришга ҳақли эмас. Зеро, Конституция ва қонунлардан четлаб ўтиш, уларнинг талабларини бузиш гайриқонуний ҳатти-ҳаракат ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар учун эса махсус қонунларда тегишлича жавобгарликлар ўрнатилган, санкциялар белгиланган.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
ТДЮ давлат ва ҳуқуқ назарисы
ҳамда тарихи кафедраси
ўқитувчиси.

Отам Абдуҷаббор Сиддиқов узоқ вақтдан бери касалхонада мажолсиз ётар-дилар. Бир кун кўзлари билан ишора қилиб, нималардир демоқчи бўлдилар. Тушуна олмадим. Ҳаста отамга қараётган онам Тухфаниса отамлар «пешонанги тут», демоқчи эканларини айтдилар. Энгашиб, пешонамни тутдим. Ўпдилар. Кўзларига ёш олдилар, тўсатдан тилга кириб: «Энди хотиржам ўлсам бўлади», деб юбордилар. Уч кундан кейин, 1940 йил 26 январда Чигатой мазорига қўйилдилар.

Шундан бери бир кам олти йил ўтди. Кўп нарсалар ошкор бўлди. Айниқса, мустақилликка эришганимиздан бери, илгариги кўп ноҳақликлар очиб ташланди. Ўша, касалхонада айтилган гапнинг сабабларини истаб, ўйлаган саволларимга жавоб топилди.

Ота-онам, тоғаларим етук зиёлилардан бўлишган. 20-йиллари Тошкентнинг Беш-ёғочда биринчи марта Алмида номидида Ўлка ўзбек намуна-тажриба иш мактаби очилган. У ўша даврининг политехника ўрта мактаби бўлиб, бу билим юрти педагогик йўналишдаги йирик

ОТАМНИНГ АРМОНИ

ва обрўли интернат-мактаб экан. Тоғамиз Назрилла Иноятӣ ана шу мактабни ташкил этганлардан, унинг биринчи директори бўлганлар.

1937 йили тоғамни «ҳалқ душмани» қилиб қамашганида, у кишининг синглиллари — Тухфаниса онамиз Ўрта Осиё коммунистик университетда

қўйётган эдилар. Отамиз Абдуҷаббор Сиддиқов Жаркўчадаги План-иктисод техникумида директор эдилар. Ўша вақтдаги ишларни қарангки, «ҳалқ душманининг қуввисан» деб фирқадан ўчиришган, ишдан ҳайдашган.

Отамиз ҳамма ёқдан қувилиб, кечасими, кундузими келишса, қамоққа кетаверишга тайёр бўлиб, кўрпа-

бориб очдилар. Эшик олдида Фулом Жуманий деган дўстлари турарди. Фулом ака иморатсоз уста, тўрт-беш киши узашиб берган сарровни бир ўзи кўтариб олиб, иморат устига бостира ола-

диган забардаст одам эди... Отам эшикнинг икки томонидаги кесакисига қўллари тираб, дўстлари йўлини тўсдилар. «Фулом, эсингни ема, дарров кет», дедилар. Фулом ака: «Кетмайман, бирга қамаса қамайверсин», деб отамни даст кўтарганича ҳовлига кириб олди.

Яна бир мисол. Оламга машҳур академикимиз, Ўзбекистон кибернетикасининг отаси Восил Қобуловнинг падари бузруквори Қобилжон ака Фозилов ҳам шундай дўстга содиқ одамлардан эдилар. У киши туңукасоз бўлганлари учун «Олса болғамни олади-да, бошқа нима қиларди», деб дўстларини қўргани кириб келаверардилар.

Отамни қамашмаган бўлса ҳам, адолатсизлик азоби охир-оқибат у кишини йиқитди. Ўша йиллари ҳам яхши одамлар бор экан. Отамнинг бошига тушган қулфатни ҳам унуттишмабди. Ахир пок номларини қайта тиклашбди...

Ўйласам, отам раҳматли ўша кун ўлим тушагида ётганларида ҳам фарзандларининг, хусусан, менинг тақдиримни ўйлаган, «мендан кейин халқ душманининг болалари», деб юришди, деб тавшив чеккан, шунинг учун «энди хотиржам ўлсам бўлади», деган эканлар.

Эркин ЖАББОРОВ,
фахрий журналист.

Кўргазмалар

МОЗИЙ ДУРДОНАЛАРИ

Ватанимиз тарихига назар ташлаган киши унинг нақадар бойлигига бир эмас, кўп бора амин бўлган. Кунни кеча Темурийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан ташкил этилган, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон. Мозий дурдоналари» кўргазмасига келган кишилар мана шу тарихга яна бир қарра ғувоб бўлдилар.

Кўргазманинг «Қадимги аждодларимиз тарихи» бўлимида инсоният тарихининг қадимги даври ҳақидаги маълумотлар Фарғона вилояти Сўх туманидаги Селенқур ғорида топишган ашъвий далиллар мисолида акс этган. Уларни қўриб, илк одамзод Ўзбекистонимиз ҳудудидан бир миллион 200 минг йил аввал яшаганлигини билиб олиш мумкин. Кўргазмада иш қуроллари, қуллоқчилик, заргарлик буюмлари ҳам ойнаванд қўтилдан жой олган. Айниқса, Сурхондарёдаги Сопилтепа ва Жаркўтондан топишган буюмлар диққатга сазовордир. Шундай ёдгорликлар вилоятимизнинг Қўлбулоқ, Обираҳмат, Бўстонлик, Тўйтепа сингари ёдгорлик манзилларида ҳам топишган, уларнинг айримлари намоиш этилаётгани диққатга сазовордир.

Қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳайкалчапар, остодон-кичкина сопол тобучалар, тош буюмлар, икки илон тасвири туширилган, қимматбаҳо қоратосдан ишланган тошумор, миллоддан аввалги II-I асрларда оид саклар маликаси қабридан топишган олтин, қумуш, мис ашълар, тақинчоқлар ҳеч қимми лоқайд қолдирмайд.

Зардуштийликнинг қадимий китоби — бу йил 270 йиллиги ни-

шонланадиган «Авесто»нинг нусхалари, маросимларда ишлатиладиган тош ва сопол идишлар, юртимиз ҳудудидан чиққан буддавийлик динига оид лой ҳайкалчапар, бошқа санъат асарлари, Будда ва Ботхисавъанинг ҳайкаллари ўтмишдошларимизнинг нақадар юксак маданиятга эришганини кўрсатиб турипти. Шунингдек, ислом дини ва маданиятидан хабар берувчи қўлзмалар, қуллоқчилик буюмлари, мезморий обидларнинг рангин суратлари, муқаддас Қуръони Каримнинг IX асрда қуфий ҳаттида битилган нусхаси, буюк алломаларимиз инб Сино, Бурхониддин Марғиноний, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарлари ҳам кўргазмада безаб турипти. Яна ундан нияҳатда қамбаш ашълар — таңга пуллар ҳам жой олганки, улар ўзига ўзбекистон тарихининг турли қорахонийлар, аштархонийлар, темирликлар ва бошқа — даврлари ҳақидаги ўлмас ҳикояларни мўжасамлаштирган.

Кўргазма октябрь ойигача давом этади. Шундан сўнг у вилоятларимизга, хориғга намоиш этиш учун йўл олади. Барча вилоятдошларимиз буюк тарихимиздан ҳикоя қилувчи ушбу мозий дурдоналарини кўришга тақдир этганимиз.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

Мамлакатимизда маҳаллий хом ашё ва материаллардан импорт қилинаётган маҳсулотлар ўрнини босадиган буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уни хар томонлама кенгайтириш, шу асосда валютани тежашга эришишга қатъ эътибор берилмоқда. Бундай маҳсулотларни тайёрлаётган қорхоналар жамоалари қўллаб-қувватланмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш, бинокорлик ашълари саноати, транспорт ва алоқа мажмуғига кирувчи вазирликлар ва идоралар бу муҳим соҳада қандай ишларни амалга оширмоқдалар? Кеча темирйўлчилар саройида очилган иختисослашган кўргазма бу ишда эришилган ютуқлар намоишига бағишланди.

Кўргазмани қисқача кириш сўзи билан очган республика бош вазирининг ўринбосари А.Исаев шуни таъкидладики, кўргазма ташкил этишдан мақсад фақат импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни намоиш қилишгина эмас, балки уларни ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш, миқдорларини шундай материаллар борлигидан хабардор қилиш, бу маҳсулотларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишдир. Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмлар жуда рангбаранг эди. Унда автомобиллардан тортиб жуда оддий деталлар, эҳтиёт қисмларгача бор эди.

Кўргазмада вилоятимизнинг қатор бинокорлик материаллари саноати қорхоналарининг ҳам маҳсулотлари ташриф буюрувчилар ҳукмига ҳавола қилинган эди. Ай-

ниқса, «Охангаронлипласт» акциядорлик жамятиянинг буюмлари қўлчиликни қизиктирди. Бу ерда Олмонияда яратилган янги асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида тайёрланиши йўлга қўйилган поливинилхлорид, пардоз буюмлари ўзининг сифатлиги, рақобатбардорлиги билан ажралиб туради. Жамоа қўлидан чиқаётган бирина тош устига ёпиладиган ва поливинилхлориддан тайёрланган уч қатламли ёпиғи материалга йиғирма йиллик қаболат беради. Бу материал республикамиз пойтахтидаги қатор хашаматли бинолар томини ёпишда ишлатилди. Полиэтилендан тайёрланган сантехника буюмлари, қувурлар ҳам харидорлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, кўргазмада «Охангаронцемент» акциядорлик жамятида ишлаб чиқарилган ўтга чидамли гишт ҳам намоиш қилинмоқда. У импорт қилинаётганлари ўрнида бемалол ишлатилиши мумкин.

Кўргазманинг биринчи кунидек бирқанча олди-сотдилар, харид қилиш ниятлари расмийлаштирилди. У шу йилнинг 5-майгача давом этади.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«ЗАРАТУШТРА АЙТГАН ЭДИ»

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида германиялик мусаввир Томас Бартелнинг «Заратуштра айтган эди» деб номланган кўргазмаси очилди. Унда немис расмийнинг графика асарлари ва фото суратлари намоиш этилмоқда.

Ўтган йили Германиянинг Бременбург шаҳрида Рустам Худойбергенов, Марат Содиқов ҳамда Людмила Содиқовадан иборат ўзбекистонлик мусаввирларнинг шахсий кўргазмалари очилганди. Ҳамюрларимиз мўйқаламига мансуб асарлар олис Европада ҳам ўзининг юқори баҳосини топган эди. Томас Бартел ижод намуналарининг намоиши эса ана шу ижодий ҳамкорлиқнинг узвий давомидир.

Маълумки, «Авесто»да улуглардан эзгу гоёлар ва умуман зардуштийлик таълимоти баъшарият мутафаккирлари қатори немис файласуфи Фридрих Ницше ҳам қизиктириб келган. Айнан қадим Хоразм

заминида пайдо бўлган Зардушт фалсафаси асосида Ницшеннинг «Заратуштра айтган эди» номи китоби яратилган. Томас Бартел эса маъмур асарда баён этилган гоёларни ўз суратларида ифодалашга интилган. Шу боис ҳам «Авесто»даги Эзгуликнинг Ёвузлик устидан ғалабаси мусаввирнинг «Машҳур донишмандлар ҳақида», «Сукунат», «Бахтиёр оролларда» сингари картиналарида ўз ифодасини топган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси Мартин Хекер қатнашди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА ЙЎЛЛАНМА

«Йил ўқитувчиси — 2001» Тошкент вилоят босқич танлови муваффақиятли аяланди. Унда вилоят мактаблари ўқувчиларидан 8 нафари қатнашиб, ўз педагогик билим, малака ва иқтидорини намоиш этди.

Куйичирик туманидаги 56-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Санобар Мухитдинова танловнинг барча талабларини яхши адо этиб, совринли биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Қибрай туманидаги 19-мактабдан Гулноза Саидова иккинчи, Окқўрғон туманидаги 14-мактабдан Саодат Муродова эса учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ғолиблар «Йил ўқитувчиси — 2001» республика танловида қатнашиб вилоятимиз шаънини ҳимоя қилдилар.

Ақбар АЛИЕВ.

Одатда бировнинг қимлигини билмоқчи бўлсак, гап-сўзларга қулоқ тутамиз, бор «ахборот»ни оламиз. Таъқиқли драматург, қўшиқчи шоир Ҳайдар Мухаммад ҳақидаги таърифларни эшитиш учун чойхонага бормаймиз, минглаб адабиёт ихлосмандларининг қалбига қулоқ тутамиз. Зеро, улар Ҳайдар Мухаммадда бисёр.

Шоирни аввало маҳалласи билсин, эл-юрти билсин, Ҳайдар акаки Беш-айрағоч даҳаси, хусусан, Тўқимачи кўчасида билмаганлар йўқ. Унинг уйда тўй-ҳашам бўлиб қолса, тумонат одам йиғилди. Бир-бирига ёл бермай, хизматга шошди. Бу шоирга ҳушомад эмас, унинг одамийлигиндан, маҳалладошлари дардида маълум бўла олганидан деб билмоқ керак.

Ҳайдар ака адабиётга кеча ёки бугун кириб келгани йўқ. Унинг шеърлари ни биз ўтган асрнинг олти-мишинчи йилларида ҳам ўқирдик, аштардик. Ўшанда бўл болаларимиз. Ҳади-ча Сулаймонова кўчасида жойлашган ёзувчилар уюшқарсининг босиниси обод қилардик. Гарчи зилзила бўлиб турган бўлса ҳам, парво қилмасдик. Яхши шеър, яхши қўшиқ дилимизга зилзила соларди. Бир гал катта мушоира бўлди. Устоз адиблардан ҳазрат Ойбек, Ўйғун, Мамарасул Бобоев, Миртемир, Султон Акбарий, Шўхрат, Туроб Тўла сингари сўз заргарлари қаторида бир ғуруҳ ёшлар ҳам минбарга кўтарилишди. Юсуф Шомансур раҳматли «Наманганлик нозанин қиз» шеърини ўқиганда, зал гувилаб кетди. Сўнгра Хусниддин Шарипов фалсафий сатрларига бизни ошно қилди. Анвар Эшоннинг «Нон иси», Ҳайдар Мухаммаднинг «Тиббиётга» шеърларини дилимизда ажиб бир ҳаяжон билан тингладик.

Бугун Ҳайдар Мухаммад адабиёт атланган майдон-

да ўзининг боғ-роғларини яратди. Республика радиосида ўн етти йил муҳаррир бўлиб ишлагди. 1984 йилдан то шу кунгача Ҳамза номли ўзбек Давлат драма театрида адабий бўлим бошлиғи сифатида меҳнат қилмоқда. Унинг 25та драматик асари сахналаштирилди. 4та сценарийси экран юзини кўрди, 8та китоби чоп этилди, 150га яқин шеърлари қўшиқ бўлиб, ҳар кун янграб турипти. Буларни айтишга осон. Бу йилларнинг замирида машаққатли меҳнат, қанчадан-қанча уйқусиз тунар ётипти.

Хали-хали эсимда, Тошкентда бирдан шов-шув кўтарилди: «Нима дейсан, Мухаммад янги томоша қўйибди, Тошкентдан бир нозанин чиққан эмиз». Икки кун овера бўлиб, чипта олди. Саҳнада худди ҳаётнинг ўзини кўргандек бўлди. Ўзимиз ота-оналаримиздан,

ХАЁТДАН ИЛХОМ ОЛИБ

катталардан эшитган оғир фожеаларга сабаб бўладиган енгилтақлик, ўзбосимчилик, тўқликка шўхлик, нонқўрликнинг бадийи тақлиқи эди томоша. Воқеалар ривож бизни тамома сеҳрлаб қўйган эди. Ўйламай босилган бир қадам бир қанча ёшларни, бутун бошли оиланинг шаънини, номусини барбод қилганига ғувоб бўлди. Томоша тугаб тарқалаётганимизда «Қолабди» деган сўзларни кўп эшитдик. Бу деҳқонча таъриф ҳам драматургининг, ҳам театрнинг меҳнатига берилган баҳо эди. «Тошкентнинг нозанин маликаси» мусикали

драмасы юртимизнинг барча вилоятлари театрларида, Қирғизистонда, Қозоғистонда ҳозир ҳам муваффақият билан ўйналмоқда.

Ўзбек халқи азалдан қулғу, ҳазилга ўч. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Ахмадининг «Келинлар кўзголини», «Қуёв» комедияларини ҳозир ҳам тўлиб-тошиб томоша қиламиз. Ҳайдар аканинг «Хотинлар» гапидан чиққан қангома» ҳазил комедияси уларнинг сафида тура оладиган асар деб баҳоланди. Унинг асосида «Темир эркак» бадийи фильми суратга олинди. Ушбу пьеса муаллифининг аjoyиб ташриф қозоғига айланди, десак тўғри бўлади.

Драматург сифатида Ҳайдар



СУРАТДА: ёзувчининг «Ипак гиламлар» спектаклидан кўриниши.

Изҳор

ака «Сабаъи-Сайёр», «Жинойат устида ушлансин», «Сеҳрли танбур», «Хар қимки вафо қилса», «Қуёвлар танлови», «Сеҳрлар ва айёр», «Ҳазилкаш шох», «Ипак гиламлар», «Кўнгли чинни пиёла», «Элёр ботир» сингари пьесаларнинг муаллифи. Яна ўнга яқин қардош халқлар драматургларининг асарларини ўзбекчага ўйрган. Бу пьесаларда одоб-ахлоқ, ватанпарварлик, ҳалоллик, мардлик, олижаноблик талқин этилган.

Ҳайдар Мухаммад ижодининг бир қирраси бу қўшиқчилик билан боғлиқдир. Унинг «Ватан жилоси», «Самарқанд», «Тоғлик қиз», «Езган хатинг қўлимда», «Хатларим етмасмикан», «Лобар», «Ром эдинг», «Кўнглим менинг» — уларнинг барчасини санаб адо этиш қийин, улар 150дан ошад — қўшиқларини юртимизнинг ҳушвороз хонандалари ижро этадилар. Қўпчилиги халқ қўшиқлари-га айланиб кетган. Айни пайтда шоирнинг «Кўнглим менинг», «Олчанинг тугилган кунини», «Ўйларнинг муштоқиман», «Хотинимнинг уруғидан ўргилай», «Ипак гиламлар» қалб шеър, ҳажвия, пьесалар китоблари чоп этилган. «Ҳазилкаш шох» танланган асарлар мажмуаси ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди. Ҳайдар ака яқинда яна бир саёб ишни адо этди: Ўзбекистон халқ артисти Соиб Ҳўжаевнинг ҳаётини ўрганиб қатра-қатра йиғиб, «Соиб Ҳўжаев хангомалари» китобчасини яратди.

Ҳайдар Мухаммаднинг ижодига назар солсак у кейинги ўн йил мобайнида гуриллаганига ғувоб бўламиз. Демак, адаб истиклолдан юксак илҳом олиб, ижод қилганки, бу унинг асарларида намоён бўлиб турипти. Ҳайдар ака йиллари янги-янги асарлари билан кутиб олаверсин. Бир муҳлис, ўқувчиси, қолаверса, ҳамкасби сифатида тилагимиз шу.

Ғолиб МИРЗО.

БАТАН, СЕНИ КУЙЛАЙМАН

Ўртачирчиқ тумани Ички ишлар бўлимида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» курик-танловининг вилоят ИИБ микёсидаги якуновчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошқармаси тизимида хизмат қилувчи бадийи ҳаваскорлар ўзаро беллашдилар.

Кўп сонли қўшиқ муҳлис-ларининг олқишлари остида «Келахати буюк юрт авлодими» қўшиғини қуйлаган, ҳазон ижро этиш муассасаси отряд бошлиғи ёрдамчиси, ички хизмат сержанти Рўзимат Мамажонов биринчи ўринга сазовор бўлди.

Иккинчи ва учинчи ўринлар эса, олмалиқлик милиция катта лейтенанти Абдиқолиқ Абдиқулов ва бекободлик милиция капитани Ўринбой Қўшматовларга насиб этди.

Ўз мухбиримиз.

ДЕХҚОНЛАРГА МАДАД БЎЛСИН

Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашмоқда.

Шу тўғрисида жорий йил давомида 331 минг тонна маъданли ўғит ишлаб чиқариш режаси муваффақияти адо этиляпти.

Йилнинг дастлабки икки ойида буюртмаҳалларга бир миллиард 526 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш назарда тутилган эди. Амалда эса бунга нисбатан деяр



Ўзбекистон:

БИРИНЧИ ДАВРАДА БИРИНЧИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг Осиё қитъаси 7-саралаш гуруҳида биринчи давра учрашувлари якунланди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўққиз имкониятдан етти очко тўплаб, ҳозирча биринчи ўринда бормоқда.

Гарчи футболчиларимиз жадвалда биринчи ўринни эгаллаб турган бўлсаларда, бу муваффақият жуда омонат. Чунки, «уй»да ўтказилган учрашувлар давомида терма жамоамизнинг ҳимоя,

Вилоят чемпионати

КУЧЛИЛАР МАЙДОН
ТАНЛАШМАЙДИ

Илгари ҳабар қилганимиздек, футбол жамоалари вилоят чемпионати ўйинларини бошлади. 28 апрель куни ўтказилган биринчи тур учрашувлари муросасиз кечди.

Турнинг энг йирик ҳисоби «Тўйтепа» – «Истиқлол» учрашувида қайд этилди. Бу бежиз эмас. 2000 йилги мавсумни жуда бўш ўтказган Покент туманининг «Истиқлол» жамоаси бу йил ҳам ўйинни йирик маглубият билан бошлади. «Тўйтепа» футболчилари улар дарвозасига тўққизта жавобсиз тўп киритишди.

«Кибрай» жамоаси Бекободда «Цементчи»ни 3:0

хисобида енгди. Шунингдек, Тошкент туманининг «Солиқчи» футболчилари ҳам сафарда зафар кучиди. Улар «Олмалик» жамоасини 2:0 ҳисобида маглубиятга учратишди. «Тошкент» (Тошкент тумани) жамоаси ўз майдонида «Чиноз» устидан 1:0 ҳисобида галаба қозонди. «Акматали» «Шоликор»ни 3:2 ҳисобида маглуб этди.

Иккинчи тур учрашувлари 6 май куни ўтказилди.

Саралаш ўйинлари

чораларини кўрмасалар, ҳамоюртларимиз ҳамжиҳат бўлиб тезкор ўйнасаларгина, Туркманистон футболчилари ва майдон эгаларидан устун келишлари мумкин.

Биринчи босқичдан сўнг жамоалар жадвалдан қуйидаги тартибда жой олдилар:

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
Ўзбекистон	3	2	1	0	10-2	7
Туркманистон	3	2	0	1	7-2	6
Иордания	3	1	1	1	4-4	4
Хитой тайпейи	3	0	0	3	0-14	0

Ўзбек кураши

ОЛИМПИАДА ДАСТУРИГА
МУНОСИБ ТУР

Тошкентда ўзбек кураши бўйича икки кун давом этган биринчи Осиё чемпионатида икки нафар вакилимиз ғолиблик шохсупасига кўтарилдилар.

73 ва 90 килограмм вазнда ҳамоюртларимиз финалга чиқа олмадилар. Фарҳод Тўраев эса 81 килограммликлар баҳсида юксак маҳорат кўрсатиб, финал беллашувида эронлик Реза Сезегарни енгди ва чемпионлик унвонини қўлга киритди.

Мутлоқ вазнда гиламга чиққан яна бир вакилимиз Шухрат Хўжаев ҳам биринчи Осиё чемпионати ғолиби бўлди.

Аёллар баҳсида фақат биргина вакилимиз - Юлдуз Шагибекова финалга

чиққан эди. Бироқ у ҳал қилувчи беллашувида туркманистонлик Олесия Назаренкога курашни бой берди.

Чемпионатнинг нуфузли меҳмонлари бўлган Осиё кураш конфедерацияси президенти Жигдеф Татлер ва Халқаро олимпия кўмитаси аъзоси Хошими Табадан мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида ўзбек кураши ХХI аср спорт тури эканлигини, унинг Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олишига шубҳа қилмасликларини таъкидладилар.

«ҲАВАС» ТУРНИРИГА
МАРҲАМАТ!

5-6 май кунлари Тошкентдаги «Динамо» теннис кортларида аънавий «Ҳавас» турнирига старт берилди. Дастлабки маълумотларга кўра,

МАЪНАВИЙ бойлик, ахлоқий поклик, эстетик дидни ўзида уйғунлаштирган янги қилишни тарбиялашда инсон маданиятининг ажралмас қисми бўлган шохмотнинг ҳам ўз ўрни бор.

Республикаимизда минг йиллик шохмот тарихида биринчи бўлиб янги шохмот маданияти ва унинг тарбиявий ҳамда маънавий қимматини чинакам қадрловчилар маконига айланди. Халқимизнинг юксак даражадаги маданиятини эътироф этувчи кўрсаткичлардан шохмотчиларнинг кўп мароталаб эришган галабаларини, мамлакатимизда шохмотнинг кенг ёйилганлиги билан таърифласа бўлади.

Шохмот ўзига хос олам: бунда киши комбинациялар қилади, ҳисоб юрилади, ижод қилади. Ўйин жараёнида қатор мураккаб муаммоларни ҳал қилади, ўйин пайтида қақнаган фикрини рақибини худди шундай ресурсларига тўқнаштиради.

Спортнинг ҳамма турлари каби шохмот ҳам ўзининг алоҳида хусусиятларига эгадир. Ана шу хусусиятларни билгандан кейингина шохмотнинг фойдаси ва ижтимоий аҳамиятини тўғри баҳолаш мумкин. Шохмот – курашлар ўйинидир. Кураш эса одамзотнинг асли қимлиги-нимали-



даги юриш ва жавоб юриши базис ҳамда антитезисни билдиради. Кейингиси синтезидир. Шундай қилиб: шохмотда қарама-қаршиликлар мунтазам вужудга келиб, ҳал қилиниб ва яна пайдо бўлиб туради.

Ласкер ўзининг «Шохмотдаги идрок» китобида кичик устунликларни систематик жамлаш – эртамикеч, албатта, сифат ўзгари-

Теннис унда жуфтлик баҳсларида 64 нафар, яқна тартибдаги баҳсларда 48 нафар киши қатнашади.

Мусобақаларнинг бош совринлари учун курашда мамлакатимиздаги дипломатик миссиялар, хорижий компания ва агентликларнинг 14 нафар вакили ҳам иштирок этади.

(ЎзА).

шига олиб келади, деб ёзган эди. Бу ўзгаришлар куч жиҳатдан ютқуқа эришилгани ёки ҳал қилувчи комбинацияни амалга ошириш учун қулай вазият вужудга келтирилганини билдириши мумкин. Карта ва шунга ўхшаш кўпгина ўйинлар қандай бўлганлигию йўқолиб кетганлигини та-

да шундай ўйинни ўйлаб топганки, унинг қоидалари, тузилишида диалектиканинг абстракт ва шу билан бирга жуда ҳам соф шаклда акс эттирилган қонунлари намоён бўлади.

Шохмотда одам ўзининг, яъни қимлигини, нимага қодирлигини билдираётгандай бўлади. Шохмот ўйинининг энг қимматли тарбиявий аҳамиятидан бири аслида унинг изчил мантикий тафаккурнинг ажойиб мактаби эканлигидадир. Шохмотнинг мана шу томони ишдаги жисмоний ҳолат аста-секин маънавий ҳолатга ён бераётган бизнинг замонамизда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шохмот доналарининг қиммати шунчалик аниқ чегаралаб қўйилганки, бу уни математик шаклларга солиштириш имконини беради. Бу ҳол шохмотнинг мантикий ҳулосалар ёрдамида берилган дастлабки нуктага кўра маълум натижаларга интилишга чорлайди. «Менинг фикримча, – дейди файласуф ва кибернетик олим, профессор Г. Клаус, – аниқ мантикий тафаккурни ўстиришда мантик дарслигидан фойдалангандан кўра шохмот билан шуғулланган маъқулдир».

Мажон муҳиддинов, республикада хизмат кўрсатган мураббий.

«Орият» тадбири



Тадбиркорлик ҳақида гап очилса, Мамажоннинг кўз ўнгиде тез ўзгариб турувчи манзаралар, умри қисқа танишувлар, эҳтиросли, «хузур-ҳаловатли» дақиқалар гавдаланадиган бўлиб қолган. Гапга чечан, қаерга борса ошиги «олчи». Хулласи калом, ҳам тижорат, ҳам сафоат. Иш ҳам юришяпти, оёқ-қўлини силаб, қайноқ бўсалар бағишловчилар ҳам бисёр. Кунлари шундай хузурлики, сафару тижорат мушкуллари ҳеч гап. Унинг ўйноқи нигоҳига, қош учирлишига, илмоқли саволларига «лаббай, ажажон» деб хоҳбонага бошловчилардан камчилик йўқ. Пул бўлса...

Тарки одат – амримахол. Қашқанинг Зарбдоридан тижорат билан Охангарон шаҳрига кеган Мамажон яна кўнгилхушликни кўмсаб қолди. Унга «муҳаббат» эшикларини очиб берди. Олис-яқин қишлоқлардан дўстларини бағрига тўплаган бекал Гаяхоним ҳам уқувлиқина экан. Бир пиёла чой ичилгунча Мамажон билан Мухаррам-ойни қовуштирди-қўйди. Гап бор-йўғи минг сўйда экан. Лекин кунда эмас, кунда деганлари рост бўлиб чиқди. Юзёққа олазарак босилган қадим шу кўни «тикан» устига ташди. Қўшмачию суюққоқлар ниҳоят тумшукларидан илинишди.


Гап-гап билан, лекин Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ахлоқ миллияси бўлимида ўтказган «Орият» тадбири мобайнида баъзи кент ва қишлоқларда фоҳишабошлик қуртаси ёзиб, илдиэ отиб қолганлиги кузатилди. «Қадимий касб» соҳибаларига арзимаган хизмат ҳақида иссиққина уйларида бериб қўётганлар ҳам ҳаммаша топилакан. Номус-ор, юздан парда кўтарилганидан кейин кинсон боласи неларни жазм қилмас экан. «Буюртма» билан жазман танилашни тусов-

чи кўнгиллар-чи? Ҳожааталаб-лик бўлса, хожатбарорлар ҳам чаққонлашаркан. Мана, масалан, чинозлик тадбиркор Хуморжон деганимиз дардини кимга дастурхон қилишни кўп қўймасликка аҳд қилди. Аслида қамийшдан бел боғлаб йўл кезганича йўқ. Номзод Бўкадан топилиди. Ўн гулидан бир гули очилмаган қизини кўшмачи қўлига топширган она қанча олди, бўёғи қоронғу. Лекин кўшмачи қизини «дилхаста» тадбиркорга минг сўмга сотди...

Хуллас, ёзаверсак – гап кўп. Тешик қулоқ нималарни эшитмайди дейсиз. Гапдан гапнинг фарқи «эски» касб соҳибаларининг топқирликлари, хонаки фоҳишахоналарнинг дарахасию хилма-хиллигида. Хали ҳам «Орият» иштирокчиларига тўзим берсин. Улар нафақат эшитишда-қўришда, гувоҳ бўлишда. Бекобод-дек шаҳри гўшада Алёнаси тушмағур ўз уйида росмана кўнгилочар хоналарни дид билан жижоэлаб қўйган экан. Нарҳи ҳам шунга яраша. Ер қараб кириб, сурнай бўлиб чиқувчилардан етишмовчилик йўқ экан. Ангренда Катерина, Янгйўлда Альфия, Чинозда Муқаддам, Чирчиқда Жения, Олмалиқда Любаша... Уйлари фоҳишахоналарга айлантирган қимсаларнинг номлари турличаю «орзу-хаваслар» бир.

Қисқаси, юздан парда кўтарилмасин экан. Меҳнатга бўй бермай, енгил-елли кўчага бир кирдики, одам боласининг ундан чиқиси амримахол. Бундай ҳаёт бамисоли бир ўпқон. Ютади-кетди. Ўзинг ўтиб кетсанг ҳам ориятни унутиб кезган кўчаларингдаги шилта гап-сўзлар қолади.

С. ЖУМАНИЁЗОВ.

«МУЛОЙИМ»
МЕТАЛЛНИ БИЛАСИЗМИ?

ЭНИГА: 7. АҚШ президенти. 8. VIII-IX асрларда араб мамлакатларида пайдо бўлган оқим. 9. Оқ шар шаклидаги, гули май ойда очиладиган бут. 10. Амриқона рақс. 12. Хўл мевалар шарбатини қайнатиб тайёрланадиган ширинлик. 13. Ёғочсозликда рандалашнинг синонимини. 15. Бир тилдан бошқа тилга таржима қилиб берувчи шахс. 17. Ўқотар қурул тури. 18. Италия бастакори. 21. Кичкина сайроқ қўш. 22. Бирор ишни рўёбга чиқариш воситаси. 23. Қўша-қўша либосли сабзавот. 25. «Келинлар қўзғолони» фильмидаги «шпион». 26. Қарта ўйини. 27. Кутланича ёки ундан кўп натижа. 29. Доривор ут. 30. Илмий тадқиқот мусассаси.

БУЙИГА: 1. «Сильвия» операси муаллифи, Фаранг бастакори. 2. Умид боғланган нарс (кимса). 3. «Мулойим» металл. 4. Китоблар қўйиладиган

ган баланд, усти қия столча. 5. «Қўлга тушмас қасоскорлар» фильмидаги атам. 6. Илдиэи тиббиёт ва сановатда ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик. 11. Тери касаллиги. 12. Хамирдан қилинадиган таом. 14. Венерик касаллигининг қўзғатувчисини кашф этган олмон шифокори. 16. Тўртдан бир улуш. 17. Подшоҳга ҳамроҳлик қилдиган яқинлар. 19. Қочиримга уста одам. 20. Тиниб-тинчимас, серҳаракат. 23. Думли юлдуз. 24. Қадимда Ўсириб деб аталган, Саудия Арабистонидаги шаҳар. 27. Узун қалин баргли субтропик ўсимлиги. 28. Унвон, даража, мартаба.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ.

Тошкент Давлат Университети томонидан 1999 йилда Сайтмуродов Фарҳод Бердибоевич номига берилган № 245075 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КЕЧ ОЧИЛГАН КҮЗ

Хар гал оналар ҳақидаги қўшиқларни эшитганимда, кўз олдимга ҳамқишлоғим Назир келади. Бундан бир неча йил олдин нафақат маҳалламизда, балки қишлоқда ҳамма унга ҳавас қиларди. Тошкентда ўқиб келган, ақлли, спортчи, ювошмўмин... Бўйи етган қизларти борлар ундан совчи келишини орзу қиларди. Аммо, қишлоқда умидвор бўлганларнинг нияти ушалмади. Назир шаҳарлик бир «бойвачча»нинг ёлғизгина қизига уйланди. Бир ой ўтар-ўтмас келин-куёв юкларини машинага ортишди. Келин қошларини чимирганича, қабинага чиқди, куёв бошини эгиб унга эргашди. «Келин тушириб, ўй-жойларни эгасига топшириб олай, кейин қарилкининг гаштини суриб юрсан», деган Орзул ая дарвоза раҳига суяниб: «Майли қаерда бўлсаларинг ҳам, омон бўлинглар», деб кўз ёшларини оқизганча қолаверди.

– Болагинамга ёмонлиқни раво кўрамани? – гоҳ-гоҳ қўни-қўшиларга кўнглини бўшатарди ая. – Келинимнинг онаси тўйдан кейинқоқ келиб: «Қизим совуқ сувга қўл уриб, пиёла ҳам ювмаган», деб кетди. «Увадаларида ўтирмайман», деб келинимнинг хонамга қадам босмади. Қувватим етганича қўлавердим ишларимни. Буюм келинга ёқмади. «Онанг менга ўқатишиб иш қилади, ўзини қўни-қўшиларга атайлаб кўз-кўз қилади», деб жанжал чиқарди. Охири, гап йўқ, сўз йўқ кўчиб кетишди.

– Назир-чи, ақлли йигит, келинни йўлга солмабди-да, – деганларга: – Шунчи хоҳлашибди, майли, яшаб қуришини. Тинч, соғ-саломат юрсалар бас, – дерди.

Бир йилдан сўнг Назир ўзи ёлғиз уйга қайтиб келди. Ичкиликка муқкасидан кетди, дуч келганга кўнгли ёрадиган одат чиқарди: «Айбим камбағаллигимдами? Хотинимга неча бор, юр, қишлоққа бориб онамни қўриб келайлик, десам, агар мени десанг қишлоғингга бормайсан, онангини-

Буни ҳаёт дейдилар

ям кўрмайсан. Агар гапимга кирмасанг, ана, катта қўча, деб ўшқирарди».

Онанинг ёлворилари, катталарнинг насихатлари қор қилиб Назир ичмай қўйди. Қўтилмаганда шаҳарлик келиндан батамом умидини узган ўғлига она мўмин-қобил қиз ҳам ахтариб топган. Унинг бирдан-бир орузи, армони – неваро қўриш эди. Хатто уларни тушларида қўлларидан етаклаб ўйнатиб юрарди... Лекин Назир аллақимлар билан муштлашиб миллияга тушди. Бу хабарни эшитган онаизор йиғлади-сиктади.

– Айланай болажонларим! – йиғлаб юборди у. – Маст бўлганидан кейин уришгандир... Раҳм қилинлар унга!

Онанинг илтижоларига чидаб туриш осон эмасди. Унинг ноласида шунча ғам, алам, ташвиш тўлиб-тошган эдики, миллиядагиларнинг ҳаммаси ноқулай сезарди ўзини. Кимдир тескари ўғирлиб олди, кимдир эса сигарет ёқиб, чекишга бошлади.

– Ёлғизгина ўғлим. Менга қарайдиган ҳам, боқадиган ҳам шу. Яқинда уйлантирмоқчи эдим...

– Мол бозорига неча келган экан? – сўради бошлик.

– Ғунажин сотгани. Лекин ёнидан ҳеч қанақа пул чиққани йўқ.

– Вой шўрим! – қўрқиб кетди она. – Нега йўқ бўлади?

– Буни ўздан сўраш керак.

– Айланай бошлик болам, тушунинг, пуллари ни ёмон одамлар ўғирлагандир. Шунга чидай олмаган, болагинам. Бир гал кечирақолинг...

– Ярамас кишилар ўғирлашган бўлса, бизнинг ходимимизнинг нима айби бор? Нега уни жағини синдирадир? Кечирим ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Нима қилган бўлса шунга яраша жазосини тортади!

...Уни кечиринишди. Тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинди. Она юраги бу айрилиққа дош беролмади. Назирнинг келишига ятми йил қолганда ҳаётдан кўз юмди. Ҳамқишлоқлари, қўни-қўшилар марҳуманинг маросимларини ўтказдилар...

... Назир элас-элас дўппайиб кўзга ташланаётган қабристон томон йўл олди. Гўрков кўрсатганина ғарибгина бир қабр устига бориб, ўзини ташлади. – Мени кечиринг, онажон! – фарёд қилди у. – Минг афсус, кўчим жуда кеч очилди. Кечиринг, кечиринг...

Кўкка бўй қўзган қайрағочлар ортидан уада бўлутлар бағрини тилка-пора қилиб, офтоб қичиб келмоқда эди.

Абдурахим МАТҚУЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

Манзилими:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.